

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ОҚ ВА ҚОРА КОНТРАСТЛИГИНИНГ ЛИРИК ТАЛҚИНЛАНИШИ

Абдурахмонов Абилжон Абдусаматович

Фарғона давлатуниверситети докторанти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7187749>

Аннотация. Уибу мақола рангнинг замонавий ўзбек шеъриятида оқ ва қора рангнинг қўлланиши хусусиятлари тадқиқ этилади. XX аср охирилари ўзбек шеъриятида Оқ ва қора ранглар рамзининг контрастлиги орқали лирик фалсафа намоён бўлиши аниқланади. Шоирлари ижодида оқ ва қора контрастлигидан ижтимоий-маънавий муаммоларни бадиий талқин этилиши исботланади.

Калит сўзлар: оқ, қора, ранг, хроматик, ахроматик, контраст, талқин, ифода, лирик талқин, фалсафийлик.

ЛИРИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ЧЕРНО-БЕЛОГО КОНТРАСТА В СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ

Аннотация. В данной статье исследуются особенности использования черного и белого цвета в современной узбекской поэзии. В узбекской поэзии конца XX века определено, что лирическая философия проявляется через противопоставление символов белого и черного цветов. Художественное осмысление социально-духовных проблем доказывается контрастом черного и белого в творчестве поэтов.

Ключевые слова: белое, черное, цвет, хроматика, ахроматика, контраст, интерпретация, экспрессия, лирическая интерпретация, философия.

LYRICAL INTERPRETATION OF BLACK AND WHITE CONTRAST IN MODERN UZBEK POETRY

Abstract. This article explores the characteristics of the use of black and white color in modern Uzbek poetry. In Uzbek poetry of the late 20th century, it is determined that lyrical philosophy is manifested through the contrast of the symbols of white and black colors. The artistic interpretation of socio-spiritual problems is proved by the contrast of black and white in the works of poets.

Keywords: white, black, color, chromatic, achromatic, contrast, interpretation, expression, lyric interpretation, philosophy.

КИРИШ

Шеъриятда учрайдиган **контрастлик** ҳодисаси ҳам учрайдики, аслида у рангшуносликнинг бадиий ифода усулидир.

Контраст (французча «contrast»- кескин ифодаланган қарама-қаршилик маъносида) бадиий адабиётда инсон характеристи, образ ва деталларни бир-бирига қарама-қарши қўйиши. Рангшуносликда рангларнинг бир-бирига нисбатан иссиқ-совуқлик, оч-тўқлик даражасига кўра қарама-қарши қўлланиши ва бу орқали таъсир самарасини орттирилиши. Масалан: қизил-яшил, кўк-сариқ — иссиқ- совуқлигига кўра; сариқ-қизил, пушти-жигарранг — тусига кўра; оқ-қора, сариқ-қора —тон(ранг даражаси)га кўра.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Хозирги ўзбек лирикасида оқ ва қора контрастлиги энг фаол ва ифодавий сермаҳсул қўлланиши билан характерланади. Усмон Азимнинг “Графика” шеъри шу жиҳатлари билан ҳам ажралиб туради:

*Кўзинг қаро сенинг, қошлиаринг қаро,
Юзларинг оқ сенинг, кулишиларинг оқ.
Кўлингдаги таъна тошларининг қаро,
Менга гамгин боқиб туришиларинг оқ.* [1.-85]

Бутун шеър контексти оқ ва қора ранглар ўртасидаги контрастлик – қарама-каршилик давомийлигидан ташкил топган. Шеърда дастлаб оқ ва қора ранглар ўртасидаги контрастликни юзага келтирувчи ҳолат берилган, деган кайфият пайдо бўлади. **Қора кўз ва қошга оқ юз ва қулиш** қарама-карши қўйилди. Шунингдек **таъна тошлари** қора бўлса-да, **ғамгин боқишилар** оқ билан сифатланди. Натижада ўқувчи кўз ўнгидан бу поэтик образлар ўзгача гавдаланиб, худди оқ ва қора катаклардаги шахмат сипоҳлари шаклига кирган таассурот уйғотади. Яъники бунда **унутиш, хижрон, ўч, вақт, баҳт, тақдир** қора доналар, **согинч, хат, дард, ёш, юрак** эса оқ доналар бўлиб келади.

Шеърда нега айнан оқ ва қора ранглар орқали поэтик ғоя ифодаланганлигига охирида шоир ўз изоҳи билан ойдинлик киритади:

*Иион, юрак оқдир, қародир тақдир,
Оқ– қора бўёқлар бизнинг боғларда...
Мен милиён бўёқни билардим, ахир,
Иккимиз баҳтиёр бўлган чоғларда...*

Матн моҳиятини таҳлил қиласиган бўлсак, лирик қаҳрамоннинг фақат оқ ва қора рангларга мурожаат этиши унинг руҳий ҳолатининг инъикоси сифатидаги ҳодисадир. Психологиядан маълумки, инсоннинг яхши кайфияти ёрқин (хроматик) ранглар билан муносабатига боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Хроматик ранглар – бу шоир эслаётган баҳтиёр чоғлардаги ҳис-туйғулар – “ӯша милиён бўёқ”дир. Шеърий матнда тасвирланган лирик қаҳрамоннинг ҳолати эса хроматик рангсиз фақат ахроматик – оқ ва қора ранглар билан тасвирланади. Бу шоирнинг мусавирона маҳоратидан дарак беради. Рассомчилик санъатида бундай чекланган (асосан оқ ва қора) ранглардан фойдаланиб асар яратиш жанрига “графика” деб аталиши ҳам айнан шеър номига кўчирилишида чуқур поэтик мантиқий туртки борлиги сезилиб туради. Рангсиз маконда ҳис-туйғу, умид-ишенч мавжуд бўлолмаслиги шеърий воқеликнинг моҳияти сифатида чуқур фалсафий мушоҳага йўналтиради. Тасвирда оқ билан табиий-психологик тушунча хос жиҳатлар акс этади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ранглар контрастлигини бадиий усул сифатида қўллашнинг яна бир намунасига Азим Суюннинг “Оқ ва қора” шеърини ҳам келтириш мумкин:

*Оқ булоқни изладим,
Қора булоқ дуч келди.
Қора булоқ сувидан ичдим, ёронлар,
Оқ булоқка етгунча.* [2. –327]

Эътибор қилинса, “Графика” шеърида лирик сюжет оқими *оқ–қора, оқ–қора, яъни воқеа – сабаб изоҳи* шаклида баён этилади. Бу шеърда эса оқ– қора – қора - оқ, — зигзаг тарзида ҳаракатланади. Бунда оқ – мақсад, қора – тўсик, қора – ҳодиса, оқ – сабаб тарзида поэтик ғоя давомийлиги юзага келади. Лирик қаҳрамоннинг *булоқ, дарё, тоғ ва дунёни*

аングлашидаги бадий воқелик оқ ва қора рангларнинг анъанавий-умуминсоний ифодасига кўра конкрет қўлланиши билан характерланади. Натижада азалий “эзгулик ва ёвузлик кураши” мавзусининг ўзига хос лирик талқини юзага келади. Лирик қаҳрамоннинг олам ва одам ҳақидаги фалсафаси ёритилади.

Шундай ижодий муносабатни Омон Матжон шеъриятида ҳам кузатамиз. “Қор босган...” шеъри бунга ёрқин мисол бўла олади:

*Қор босган оқ-оппоқ далада кўрдим,
Қимир этмай турар тўп қора тулпор,
Қиши обдан бекитган чўнг қора тошининг
Беши-олти жойида эригандек қор.*

Оқ ва қора ранглар рамзининг контрастлиги орқали лирик фалсафа гавдалан бошлайди. Яшашнинг мантиқ ва мазмуни ёритиб борилади:

*Тулпорлар, ҳой! Қора қирни уйғотинг,
Мудроқ хомрезани ёки қилинг бас,
Сизнинг ул учшилар бўлмаса, бу ер —
Кераксиз бўшилиқдир, беун ва бекас.*

Оқ ва қоранинг маъно зиддияти ҳамда рамзининг аксил ифодасида асар яратилган давр мафкурасининг иллатлари фош этилади:

*Қора тулпорларим менинг, қанотли,
Турманг, учинг-кўчинг тез бўлиб ўқдан!
Ўзни шундоқ оқланг, қир ҳам қутулсин
Бугун оқ кўринган қора совуқдан. [3.-9]*

Яна бир шеърида ҳам:

*Ўрмон саҳнасига сен — оқ раққоса
Биргина лаҳзага чиқдингмикан ё?!
Инжса ўҳшатмалар кўпдир.
Лекин сен
Бу қора ўрмонда ёлқинсан мағрур! [3.-8]
(О.Матжон. “Қайдан келиб қолдинг...)*

МУҲОКАМА

Кейинги авлод – ўзбек модерн шоирлари ижодида ҳам оқ ва қора контрастлигидан ижтимоий-маънавий муаммоларни бадий талқин этиш ўзига хос чуқур фалсафийлик касб эта бошлади:

*Оқ қоранинг ўртасида жарар...
Жарар...
илон ўтар ойдиндан...
Илоҳий бургу
Кўтарган жарчи...
Жардагиларни чақирап...
Оппоқ илон келар ойдиндан...
Занглаган юлдузлар чиқадур...
Чириган ой чиқадур...
Тасқаралашган сиймолар*

Чиқадир...

Оппоқ илон кетар ойдиндан...

Оқ ва қоранинг ўртасида жар... [4.-10]

(Абдували Құтбиәддин. “Тасаввур лаҳзалари”)

ХУЛОСА

Оқ ва қора ранг контрастлигидан олам ва одам ҳақидағи шоир мушоҳадаси мумтоз анъянадаги Шарқона охангда, Румий нафаси сезилиб турғандек бадий талқинланди:

Қаро тупроқ қаърига

Киргүнча ҳам тинимсиз

Оппоқ тонглар бағрига

Томайлик қатра-қатра

Баҳорий умид билан. [4.-10]

(Улугбек Ҳамдам. “Оппоқ тонглар бағрига...”)

REFERENCES

1. Усмон Азим. Сайланма. –Т.: Шарқ, 1995.
2. Азим Суюн. Сайланма. –Т.: Шарқ, 1997. – Б.199.
3. Омон Матжон. Одамнинг сояси қўёшга тушди (шеърлар). -Т.: Ёзувчи, 1991. Ўзбек модерн шеърияти. – Т. : Янги аср авлоди, 2003.